



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2013 йил 21 сентябрь, № 187 (5861)

Шанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ ВОСИТАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚУВЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари учун халқаро стандартларга мос дастурий таъминот воситаларини республикада ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, сифатли, рақобатбардошли дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш юзасидан мамлакатимиз ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни кучайтириш, шунингдек, уларнинг маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда илдам силжитишга қўмаклашиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестрини тузиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки: Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестри software.uz Интернет-порталида жойлаштирилган дастурий маҳсулотлар ва ишлаб чиқувчиларнинг миллий каталоги негизда яратилади;

Миллий реестр электрон шаклда он-лайн режимида юритилади; Ўз дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқиш, татбиқ этиш ва сотишдан олинган даромадлари улар сотган товарлар (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмининг камида 50 фоизини ташкил этадиган юридик шахслар Миллий реестрга ихтиёрий ва бепул асосда киритилади.

2. Қуйидагилар Дастурий таъминот воситалари ишлаб

чиқувчилар миллий реестрини юритишнинг асосий вазифалари ва йўналишлари деб ҳисоблансин:

мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчилари тўғрисидаги ахборотнинг ягона электрон банкини яратиш ва истиқбол бўлган истеъдодли ёш дастуричиларни қўллаб-қувватлаш;

миллий дастурий маҳсулотларнинг маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш бозорининг ҳолати ва салоҳияти тўғрисида ахборот бериш; ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошли бўлган, сифатли миллий дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқишни рағбатлантириш;

иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг реал эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқишнинг устувор йўналишларини белгилаш;

мамлакатимиз дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқувчиларининг манфаатларини ифодалаш, уларга ўз маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда илдам силжитишда қўмак бериш.

3. Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестрини шакллантириш, юритиш ва янада ривожлантириш вазифалари Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси зиммасига юклансин.

4. Миллий реестрга киритилган дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчилар

2017 йилнинг 1 январига қадар мuddатда:

барча турдаги солиқлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл фондига, бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланмаган рўйхатлар бўйича ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ускуналар, бутловчи қисмлар, деталлар, узеллар, технология ҳужжатлари, дастурий таъминот воситаларига бож тўловлари (божжона расмийлаштируви йўғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

5. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

мазкур қарор 4-банднинг 2-хатбошида назарда тутилган солиқ имтиёзлари берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар Миллий реестрга киритилган юридик шахслар — дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг ходимларини рағбатлантириш, моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга йўналтирилади;

Миллий реестрга киритилган юридик шахслар — дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқувчилар учун ушбу қарорда назарда тутилган солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддати, агар уларнинг ўзлари ишлаб чиқарган дастурий таъминот воситаларини экспорт қилиш ҳажми улар сотган товарлар (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмининг камида 50 фоизини ташкил этган тақдирда, 2 йилга узайтирилади.

6. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2006 йил 5 январдаги ПФ-3706-сонли Фармониининг амал қилиши Миллий реестрга киритилган юридик шахслар — дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларига, агар улар хонадонларда ишловчи (касаначи) жисмоний шахслар билан меҳнат шартномалари тузадиган бўлсалар, татбиқ этилсин;

юридик шахслар фойдасига солинадиган солиқ ва ягона солиқ тўлови бўйича янги технология ускуналарини харид қилиш чоғида солиқчи тартибдор базани камайтиришга доир амалдаги тартиб республика корхоналари ва ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг ҳар йилги Инвестиция дастурига киритилмаган ахборот тизимларини яратиш бўйича инвестиция лойиҳалари доирасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган дастурий таъминот воситаларини сотиб олишга йўналтирилмаган маблағлар миқдорига жорий қилинсин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Миллий реестрга киритилган юридик шахслар — дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчилари дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқариш ва

уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлар ҳамда хизматларни Интернет тармоғининг он-лайн дўконлари орқали экспорт шартномаси мавжуд бўлмасдан хорижий валютага экспорт қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божжона қўмитаси ва Марказий банк билан биргаликда икки ой муддатда Дастурий таъминот воситалари экспорти ва импорти тўғрисидаги Низомини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин, унда дастурий таъминот воситаларини ишлаб чиқариш, сотиш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ташқи савдо операцияларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари назарда тутилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларининг миллий реестри тўғрисидаги Низомини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2013 йил 20 сентябрь

МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ЯДРО ҚУРОЛИДАН ХОЛИ ҲУДУД

Тошкентда «Марказий Осие — ядро қуролидан холи ҳудуд» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Қозғоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти томонидан ташкил қилинган ушбу тадбирда Ўзбекистон ва Қозғоғистон илмий тадқиқот ва таълим муассасалари, тахлилий марказларнинг экспертлари, ташқи ишлар вазирликлари вакиллари, шунингдек, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган қатор хорижий давлатлар дипломатик миссияларининг раҳбарлари иштирок этди.

Ушбу давра суҳбати Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Марказий Осиеда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш тўғрисидаги шартнома тўғрисидаги роли ва аҳамиятига юксак баҳо берилди. Қозғоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Б. Жексембиннинг таъкидлашича, минтақа давлатлари ушбу шартномани имзолаб, ядро қуролини тарқатмасликка оид халқаро ҳуқуқ норма ва тамойилларига қатъий риоя қилиш тарафдори эканини билдирди.

Давра суҳбати иштирокчилари Марказий Осиеда ядро қуролидан холи ҳудуд этиш тўғрисидаги шартноманинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги роли ва аҳамиятига юксак баҳо берди. Қозғоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Б. Жексембиннинг таъкидлашича, минтақа давлатлари ушбу шартномани имзолаб, ядро қуролини тарқатмасликка оид халқаро ҳуқуқ норма ва тамойилларига қатъий риоя қилиш тарафдори эканини билдирди.

(Давоми 2-бетда).

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР, ЗАЛВОРЛИ ОДИМЛАР

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Йигирма икки йил давомида эришган муваффақиятларимизнинг бош омили нимада? Қандай улғувор мақсадларни қўлаб олган интиляимиз? Кеча ким эди бугун ким бўлди? Истиқлол ҳаёти-мизда, онгу тафаккуримизда қандай ўзгаришлар ясамоқда? Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзидан ана шу саволларнинг барчасига муфассал жавоб топиш мумкин.

Бинобарин, тахририятимизга Юртбошимизнинг ушбу табрик сўзидан тўлқинланган, фахр-ифтихорга йўғирилган мактублар келиши давом этмоқда. Хусусан, Сирдарё вилояти, Сардоба туманида яшовчи Холмўмин Шукуров ўз мактубида шундай деб ёзади:

"Бу кунларга осонликча эришганимиз йўқ, Истиқлолга қанчадан-қанча изтироб, машаққатлар чекилмади, дейсиз?! Мана, бугун чинакам саодатга эришдик. Елкамизга офтоб теги. Фарзандларимиз эмин-эркин ишлаб, меҳнатининг роҳатини кўрапти. Бири-бирдан

кўркам иморатлар солаё-миз, тўкин дастурхон ёзиб, тўйлар қиляё-миз. Одамларимиз бугундан рози, эртасидан кўнгли тўқ. Қурилаётган мактаб коллежларини айтмай-миз?! Ҳашаматидан кўз қамашади-я. Бинолари ярқиллаб турибди. Ичидида жиҳозларини кўриб ҳавасингиз келади. Эҳ-ҳе, санасангиз саногога етолмай-миз, бундай қулайлиги имкониятларнинг бари — ёшларимиз, фарзандларимиз келажига учун-да.

Шу десангиз, яқинда бир гуруҳ нурунийлар ўзимизнинг Сирдарё бўйлаб саёҳат қилдик. "Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ", деганларидек, Мирзачўлимиздаги ўзгаришларга бундоқ жиддий эътибор билан назар солмаган эканмиз. Ишонгингиз келмайди. Йигирма икки йилда қанчалик яшнаб кетибди. Йирик-йирик корхоналар, обод маҳаллалар, кўркам хиёбонлар, намунавий уй-жойлар барпо этилди. Одамлар билан гаплашсангиз, дилингиз яйрайди. Мақсади қатъий, шаҳди балан уларнинг. Ишбилармонлигини-чи? Ўн, юз миллионлаб даромадан сўз очилмади.

(Давоми 2-бетда).

Қисқа сатрларда

● Пойтахтимизда ресурслар ва энергия тежамкор, экологик зарарсиз композицион материаллар яратиш масалаларига бағишланган халқаро илмий-техникавий конференция бўлиб ўтди. Анжуманда энергия тежамкор, экологик зарарсиз композицион материалларни ишлаб чиқариш, саноат тармоқларига инновацион технологияларни жорий этиш, нанотехнологияларни ривожлантиришга оид маърузалар тингланди.

● Ўзбекистон Миллий матбуот марказида фермер хўжаликлари ва машина-трактор паркларини қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлашда кўрсатилаётган имтиёзли лизинг хизматларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда "Ўзқишлоқхўжаликмашинлигин" компанияси ва "Ўзагро-машсервис" уюшмаси томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларга кўрсатилаётган сервис, лизинг ва консалтинг хизматлари ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

● Қўқон шаҳрида "Тинчлик ва омонлик — фаровонлик кафолати" мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Унда Республика Маънавият тарғибот марказининг шаҳар ва туман бўлимлари раҳбарлари, олимлар, ижодкорлар, маҳалла фаоллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ТАРАҚҚИЁТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЛОЙИҲАЛАР

Истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб давлатимиз раҳбари томонидан узққни йўлаб тараққиётнинг "Ўзбек модели" ҳаётга татбиқ этилди. Шу асосда иқтисодиёт тармоқлари тубдан ислох қилинди, ҳуқуқий-ташқилий, техник ва технологик жиҳатдан янгиланди. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳаракатини бозор ислохотларини эркинлаштириш, юрт рағнақи, халқ турмуш фаровонлигини юксалтиришнинг асосий кучига айлантириш, айнақса, маҳаллий ҳамда чет эллик инвесторларни кенг қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилгани диққатга сазовор.

ИСЛОХОТ

Мазкур эзгу мақсадлар рўёби учун зарур бўлган барча шарт-шароит, инфратузилмалар яратилдики, буларнинг шарофати ўлароқ, республикамизда ҳар томонлама қулай ва жозибадор бизнес муҳити вужудга келди. Пировардида охириги беш йилда мамлакатимизда инвестициялар ҳажми 9 фоиздан зиёдга ўсди.

Президентимизнинг ўтган йил апрель ойида қабул қилинган



"Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ушбу йўналишда рўёбга чиқарилаётган ишларга янада юксак суръат бахш этди, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Зеро, мазкур ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ, хорижий инвесторлар ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилишга қаратилган кенг қўламли имтиёз ва кафолатлар тизимига

асос солинди. Бинобарин, айна пайтда бу сингари қулайликлардан баҳраманд бўлиб, иқтисодиётнинг етакчи жабҳаларида самарали фаолият юритиб келаятган корхоналар сони тўрт мингдан ошиб кетди.

Чунончи, уларнинг сони тўқимачилик саноатида ҳам тобора кўпайиб бораётгани диққатга сазовордир. Бугунги кунда хорижий инвестиция асосида пойтахтимиз ва ҳудудларда

фаолияти йўлга қўйилган ана шундай ишлаб чиқарган объектилари қаторида "UZTEX Tashkent", "UZTEX Shovot", "UZTEX Chirchiq" ва "EVROTEX Tashkent" тўқимачилик фабрикаларини ҳам тилга олиш мумкин. Улар юртимизда амалда бўлган оқилона инвестиция сиёсати самараларига яққол мисол бўла олади.

(Давоми 3-бетда).

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Нима учун дейсизми? Куйида шулар ҳақида билиб оласиз.

Аввало, таъкидлаш жоизки, мазкур корхоналар Ўзбекистон ва Урта Осиё мамлакатлари ўртасида вертикал интеграциялашган ҳамда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб

лар қаторидан ўрин эгаллаш имконини берди.

2012 йил март ойда ўтказилган технологик аудитдан сўнг яна бир таниқли ташкилот — "Hohenstein" Европа институти "UZTEX" брендидаги товарларга илҳом хулоса берди. Натичада компания ишлаб чиқарувчилар халқаро ҳамжамиятига киритилди. Бу нимадан дарак беради? Гап



Тараққиётга йўналтирилган лойиҳалар

чиқарувчи етакчи "UZTEX" компанияси гуруҳи таркибига кириди. Уларнинг сифатли маҳсулотлари эса нафақат маҳаллий, балки чет эллик харидорлар орасида ҳам бренд сифатида тан олинган. Чунки хом ашё — ўзимизда етиштириладиган "оқ олин". Ўзбек пахта толаси эса сифатлилиги, пишқилиги, санатоболлиги билан дунё миқёсида тан олинган. Техника ҳамда технология эса хоржиинг илгор мамлакатларидан келтирилган. Мутахассисларнинг маълумоти ва тажрибаси замона талабларига тўлиқ жавоб беради. Ана шундай оптимал уйғунлашувнинг ҳосиласи сифатли маҳсулот бўлади.

Масалан, бу борадаги биринчи қадамни олиб кўрайлик. 2010 йилда "UZTEX Tashkent" ип йиғирув фабрикасини барпо этиш лойиҳаси Швейцариянинг "Rietel" компанияси сармоси асосида амалга оширилди. Бу мақсадларга "Асака" банки кредити жалб этилгани ҳам таъкидлаш лозим. Натичада йилга 6000 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига тенг корхона ишга туширилди.

2012 йилда эса "UZTEX" компанияси гуруҳи томонидан Швейцариянинг "Swiss Capital International Group AG" компаниясининг тўғридан-тўғри инвестицияси ва банк кредити жалб этилиб, Хоразм вилоятида йилга 5000 тонна кард ва грёбен йиғирилган ип ишлаб чиқариш қувватига эга "UZTEX Shovot" фабрикаси фойдаланишга топширилди.

Мазкур энгил санат корхоналари синов лабораториялари жаҳон стандартларига тўла муштарак сифатни назорат қилувчи сўнгги русум технологиялари билан жиҳозланган. Буларнинг самараси ўлароқ, 2011 йилда "UZTEX Tashkent" компанияси МДХ ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб халқаро даражада йиғирилган ип сифати бўйича юқори баҳо олди. Яъни унинг маҳсулотлари Швейцариянинг нуфузли "Usterized" ташкилоти томонидан сифат сертификати билан тақдирланди. Бу эса фабрикага жаҳон даражасидаги ишлаб чиқарувчи-

шундаки, мазкур макомга эга корхоналарда Европанинг OEKO-TEX Standard 100 андозаси талабларига мос келувчи фақат экологик тоза ва хавфсиз материаллардан фойдаланилади.

"UZTEX" корхоналари маҳсулотлари ҳам ана шундай биринчи синф стандарти сертификатига эга бўлди. Бу эса экспорт салоҳиятини кескин оширишга олиб келди. Ҳозир улар томонидан умумий маҳсулотнинг 90 фоизи "Made in Uzbekistan" ёрлиги билан хоржиға чиқарилаётгани ана шундан далolat беради, албатта.

Ўтган йилдан бошлаб "UZTEX Chirchik" корхонасида санат ифти билан бўлган ип ва газлама тайёрлаш йўлга қўйилди. Мазкур юмушлар замонавий ускуналарда Европада ишлаб чиқарилган сифатли реактив бўёқлардан фойдаланган ҳолда бажарилмоқда.

Айтиш лозимки, бундай маҳсулотлар турли таъсирларга чидамлилик, экологик жиҳатдан хавфсизлиги билан ажрлиб туради. Ранглар рецентини танлаш ва туз бериш жараёни АКТ марказий сервер орқали назорат қилиб борилади, барча ахборотлар ҳотирда сақлаб қолинади. Бу эса маҳсулотларга бюуртом асосида сифатли ҳамда ёрқин ранг беришни кафолатлайди.

Умуман олганда, ҳозирги кунда "UZTEX" компаниялари гуруҳи корхоналарининг йиллик ишлаб чиқариш қуввати пахтадан йиғирилган 11 миң тонна кард ҳамда грёбен ип, 1800 тонна бўлган ип, 6400 тонна бўлган газлама, трикотаж матоддан тайёрланган 6 миллион донадан кўпроқ тўқимачилик маҳсулотларига тенгдир. Ўз навбатида, компания гуруҳларида жами 2500 дан зиёд иш ўринлари барпо этилган.

Айни пайтда "UZTEX Shovot" базасида ип йиғириш линиясининг иккинчи босқичини кенгайтиришга қаратилган янги лойиҳа рўёбга чиқарилаётган. Бунинг учун Швейцариянинг "ASI-Active Services International GmbH" компанияси тўғридан-тўғри инвестицияси ва "INFIBANK" кредит маблағи йўналтирилди. Пиро-

вардида пахтадан йиғирилган 7500 тонна грёбен ип етказиб бериш имконияти пайдо бўлиб, 300 та кўшимча иш ўрни очилади. Бундан ташқари, бир йилда 3 миллион донадан кўпроқ трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуввати тикувчилик цехини қуриш ҳам режалаштирилмоқда. Бу ерда эса 400 киши доимий даромад манбаига эга бўлади. Мазкур лойиҳани 2014 йилнинг охиригача якунлаш белгиланган.

Қолаверса, Наманган вилоятининг Учкўрғон туманида технологик майдонлари тайёрлаш ва ип йиғирув фабрикасининг иккинчи навбатини қуриш тадбирлари бошлаб юборилди. Бу ерда ҳам Швейцариянинг "Rietel" компанияси ишлаб чиқарган энг замонавий ип йиғирув ускуналари ўрнатилди. Ушбу энг мақсад учун "INFIBANK"нинг кредит маблағлари, шунингдек, муассисларнинг тўғридан-тўғри инвестициялари ажратилди. Фабрика йилга 10 миң тонна пахтадан йиғирилган дағал ип ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади. Уни 2015 йилнинг биринчи ярмида ишга тушириш мўлжалланган бўлиб, 400 та иш ўрни ташкил қилинади. Учкўрғондаги ип йиғирув фабрикаси иккинчи навбатини эса 2015 йилнинг иккинчи ярмида бунёд этиш режалаштирилган. Бу жойга йилга 7000 тонна кард ип ишлаб чиқаришда қўл келадиган илгор жиҳозлар ўрнатилиши тўғрисида кўриш мумкин.

Ушбу кенг кўламли лойиҳалар амалга оширилганда, "UZTEX" компанияси гуруҳлари биргаллик 35.500 тонна пахтадан йиғирилган ип, 300

тонна бўлган ип, 6400 тонна бўлган газлама ва 10 миң тоннадан зиёд тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Корхоналарда жами 4000 киши ишга жойлашиши имкони яратилади.

Таъкидлаш лозимки, мазкур ишлаб чиқариш объектида инсон омилли устувор бўлиб, ижтимоий йўналтирилган сёбат олиб борилаётган. Корхоналарда ишчи-хотимларни етакчи хоржиғ мутахассислар ҳамда дастурларни жалб қилган ҳолда ўқитиш ва аттестациядан ўтказиш тизими жорий этилган. Ўз навбатида, меҳнат ресурсларини бошқариш жараёнини такомиллаштириш, хотимларни ижтимоий ҳимоялаш тизимига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, ҳамма корхоналарда биринчи тиббий ёрдам пунктлари ишлаб ўрнатилди. Қолаверса, мажбурий тиббий суғурта тизими йўлга қўйилган.

Ешлар бандлиги ва ҳамкорлик ҳам диққат-эътиборда. "UZTEX" йилга 300 нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминлаётгани, касбуна тарбияли бўлиши билан яқиндан ҳамкорлик қилиб, уларни қўллаб-қувватлаб келаятгани бунинг тасдиғидир. Шунингдек, компания гуруҳи томонидан мунтазам техник ва хайрия ёрдамлари ташкил этиб келинапти. Утган йилда ўқув аудиторияларини жиҳозлаш учун тикув машиналари тўлиқ мажмуаси олиб берилди. Урганчдаги вилоят онкологик шифохонаси, минтақавий реабилитация маркази ва Хиваддаги Муровват уйига 200 миң АҚШ долларидан зиёд қийматга эга бўлган замонавий тиббий ускуналар бепул тарқатилди.

Хулоса ўрнида айтганда, мустикалик йилларида яратилган шарт-шароитлар, қўлай инвестициявий муҳит ана шундай кенг кўламли ва юқори технологияга асосланган ийрик лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш имконини берди.

Шундай экан, юқоридаги корхоналар юртимиз экспорт салоҳиятини сезиларли даражада кенгайтирмоқда, тўқимачилик санатини сифат жиҳатидан навбатдаги технологик даражага кўтариб, жаҳон бозорларига олиб чиқмоқда. Буларнинг барчаси мамлакат равнақи, эл фаровонлигини янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

М. ЁҚУБОВА.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ
Жиззах вилояти филиали
бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига тақлиф этилади.

1. Аукцион савдосига Бахмал тумани СИБ томонидан Жиззах вилояти ҳўжалик судининг 2013 йил 14 майдаги 13-1306/3418-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бахмал тумани, «Богшамол» ҚФЙ, Нарвўз қишлоғи ҳудудида жойлашган, «Ойкар меваси» МЧЖга тегишли бинолар мажмуаси қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 505 843 151 сўм.
 Аукцион савдоси 2013 йил 23 октябр кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мўддати — 2013 йил 21 октябр кўни соат 18.00.

2. Аукцион савдосига Жиззах шаҳар СИБ томонидан Жиззах вилояти ҳўжалик судининг 2013 йил 16 майдаги 13-1304/3504-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жиззах шаҳри, Сангзор маҳалласи, О. Азимов кўчаси, 17-уйда жойлашган, «Жиззах кўнжунур» Хўга тегишли кўчмас мулк ва кўчар мулклари мажмуа сифатида (760 129 944 сўм бўлган пилани қайта ишлаб чиқариш ускуна жиҳозлари ва 850 000 000 сўм бўлган бино-иншоотлар мажмуаси) тақоран қўйилмоқда.
Жами бошланғич баҳоси — 1 610 129 944 сўм.
 3. Аукцион савдосига Жиззах шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Жиззах вилояти судининг 2013 йил 17 январдаги 12835-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Жиззах шаҳри, Қипчоқ маҳалласи, К. Хонимқулов кўчасида жойлашган, Нормухаммедов Аббосга тегишли 24-уй, 2-хонадон бино ва иншоотлари тақоран қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 301 890 403 сўм.

Лицензия: RR-0001.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ
Қашқадарё вилояти филиали
бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига тақлиф этилади.

Аукцион савдосига Суд департаментининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2012 йил 17 февралдаги 2-2-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Maxtel Constraction» корхонасига тегишли қўйидаги кўчмас мулклар тақоран қўйилмоқда:
 1. Қарши шаҳри, «Табассум-1» МФЙ, Б. Шерқулов кўчасида жойлашган, қурилиш майдони 1708,14 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 1555,67 кв.м. бўлган «Мовий Гўмбаз» чойхонаси.
Бошланғич баҳоси — 588 521 400 сўм.
 2. Қарши шаҳри, Жайхун кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 14426,67 кв.м., қурилиш майдони 2365,32

қв.м. бўлган ёрдамчи ҳўжалик бинолари.
Бошланғич баҳоси — 188 532 200 сўм.
 Аукцион савдоси 2013 йил 11 октябр кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мўддати — 2013 йил 9 октябр кўни соат 18.00.
 Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
 Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Жиззах вилояти филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004920609009, МФО: 00122, СТИР: 207122519.
Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 39-уй. Телефон: (8-372) 222-34-16. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

«Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси
«Ўзнефтгазказибчиқариш» акциядорлик компанияси
ШўРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ
куйидаги кимёвий реагентларни сотиб олиш юзасидан 09/13-сонли тендер савдосини эълон қилади:

Лот сони	Кимёвий реагент номи	Микдори
Лот № 1	Активированный уголь	103,719 м³
Лот № 2	Диметилдисульфид (DMDS, (CH3)2S2)	49,7 тонна
Лот № 3	Каустическая сода 98%, NaOH	670,413 тонна
Лот № 4	Катализатор димеризации LS-2253	3,504 тонна
Лот № 5	Оксид алюминия PA	751,95 тонна
Лот № 6	Катализатор CAB TiC1,1/VOC1, (20/80 mixt)	13,444 тонна
Лот № 7	Катализатор CAB-2 TiC1,1/VOC1, (50/50 mixt)	3,567 тонна
Лот № 8	Сокатализатор CT (TEA)	13,807 тонна
Лот № 9	Сокатализатор CJ	3,3 тонна
Лот № 10	Сокатализатор CD	3,194 тонна
Лот № 11	Дезактиватор пеларгоновая кислота	96,769 тонна
Лот № 12	Дезактиватор 2,4-пентандион (PD)	64,859 тонна
Лот № 13	Присадка «Ирганокс» 1010 (АО8)	72,591 тонна
Лот № 14	Твердая добавка G 84/25	12,714 тонна
Лот № 15	Циклогексан, SH растворитель	1585,164 тонна

Тендер тақлифлари эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қўйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:
Ўзбекистон Республикаси, 180300, Қашқадарё вилояти, Ғузур тумани, Шўртан кўрғони, «Шўртан газ-кимё мажмуаси».
Тел./факс: (+99875) 780-87-74. Факс: (+99875) 221-09-04, 221-08-46.
Электрон почта: tender@sgcc.uz Web site: www.sgcc.uz www.tenderweek.com

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ
Сирдарё вилояти филиали
бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига тақлиф этилади.

1. Очиқ аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарори ҳамда Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 17 сентябрдаги 48-СЧ-сонли буйруғига асосан:
Бошланғич баҳоси — 101 519 013 сўм.
 ● Баландса сақловчининг номи — «Гулистон тумани МТП» ОАЖ.
 ● Фаолият-ихтисослиги — қишлоқ ва сув ҳўжалиги экинлариغا техник хизмат кўрсатиш.
 ● Умумий ер майдони — 210 кв.м.
 ● Бино ва иншоотлар эғаллаган ер майдони — 210 кв.м.

2. Очиқ аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли қарори ҳамда Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 17 сентябрдаги 49,50,51,52-СЧ-сонли буйруғига асосан:
 1. Мирзаобод тумани, «Мирзачўл» ҚФЙ, Балиқчи маҳалласида жойлашган (кейинги ўринларда «Давлат активи» деб юритилади) ёрдамчи ҳўжалик биноси қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 226 475 887 сўм.
 ● Баландса сақловчининг номи — «Гулистон нефть база» УК.
 ● Фаолият-ихтисослиги — ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш.
 ● Умумий ер майдони — 18562,39 кв.м.
 ● Бино ва иншоотлар эғаллаган ер майдони — 962,62 кв.м.

2. Гулистон тумани, Деҳқонобод шаҳарчаси, Ясавий кўчасида жойлашган (кейинги ўринларда «Давлат активи» деб юритилади) 2-сонли АЁҚШ қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 201 311 000 сўм.
 ● Баландса сақловчининг номи — «Гулистон нефть база» УК.
 ● Фаолият-ихтисослиги — ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш.
 ● Умумий ер майдони — 4007,14 кв.м.
 ● Бино ва иншоотлар эғаллаган ер майдони — 263,15 кв.м.

3. Ховос тумани, «Қаҳрамон» ҚФЙ, «Х. Норқавв» СИУДА

жойлашган (кейинги ўринларда «Давлат активи» деб юритилади) 20-сонли АЁҚШ қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 139 032 910 сўм.
 ● Баландса сақловчининг номи — «Гулистон нефть база» УК.
 ● Фаолият-ихтисослиги — ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш.
 ● Умумий ер майдони — 2500,0 кв.м.
 ● Бино ва иншоотлар эғаллаган ер майдони — 148,67 кв.м.

4. Ховос тумани, «Ўлбаҳор» ҚФЙ, «Чамбиг» СИУДА жойлашган (кейинги ўринларда «Давлат активи» деб юритилади) 40-сонли АЁҚШ қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 124 524 000 сўм.
 ● Баландса сақловчининг номи — «Гулистон нефть база» УК.
 ● Фаолият-ихтисослиги — ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш.
 ● Умумий ер майдони — 2583,19 кв.м.
 ● Бино ва иншоотлар эғаллаган ер майдони — 35,64 кв.м.

Очиқ аукцион савдолари 2013 йил 22 октябр кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Буюртномалар иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Буюртномаларни қабул қилишнинг охириги мўддати — 2013 йил 18 октябр кўни соат 18.00.
 Юқоридаги «Давлат активлари» 2013 йил 22 октябрдаги савдо сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2013 йил 29 октябр ва 5, 12 ноябр кўнлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун буюртномаларни қабул қилишнинг охириги мўддати: 2013 йил 29 октябрдаги савдо учун — 2013 йил 25 октябр, 2013 йил 5 ноябрдаги савдо учун — 2013 йил 1 ноябр, 2013 йил 12 ноябрдаги савдо учун — 2013 йил 8 ноябр кўни соат 18.00.

Талабгорлар «Давлат активи» бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини буюртномалар қабул қилинадиган охириги кунгача ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

Савдо натижаларига кўра голиб чиққан иштирокчи 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Тўланган закалат «Давлат активи» сотилиш баҳосининг 15 фоизидан камни ташкил этса, савдо голиби давлат активининг олди-сотди шартномасини тузилгунча қадар сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлаши шарт.

Буюртномалар қабул қилинадиган ва таъминловчилик манзил: Гулистон шаҳри, Навоий шаҳри, П. Очиллов кўчаси, 24-уй.
Тел./факс: (8-436) 224-15-61.
www.1kms.uz rieltsavdo@inbox.uz

Лицензия: RR-0001.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ
Навоий вилояти филиали
барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очиқ танлов савдоларига тақлиф этилади.

Очиқ танлов савдоларига Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги ПҚ-1743-сонли, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Навоий вилояти ҳудудий бошқармасининг 2013 йил 11 сентябрдаги 94-П-сонли буйруғига асосан, Навоий шаҳри, Садриддин Айний кўчасида жойлашган, бошланғич баҳоси 169 720 066 сўм бўлган (кейинги ўринларда «Давлат активи» деб юритилади) «Навоиймонтаж-автоматика» МЧЖнинг устав жамғармасидаги 51 фойз давлат улуши қўйилмоқда.
 ● Баландса сақловчининг номи — давлат.
 ● Фаолияти, иختисослиги — таъмирлаш, монтаж қилиш.

Танлов шартлари: энг юқори сотиб олиш тўловини тақлиф этиш, 50,0 миллион сўм инвестиция қилиш, янги иш ўринлари яратиш, сотиб олиш қийматини қисқа мўддатларда амалга ошириш, сотиб олинган объектни қайта таъмирлаш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

Очиқ танлов савдолари 2013 йил 25 октябр кўни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Буюртномалар иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00

гача тушлик вақти). Буюртномаларни қабул қилишнинг охириги мўддати — 2013 йил 24 октябр кўни соат 18.00.
 Юқоридаги «Давлат активи» 2013 йил 25 октябр кўни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йил 31 октябр, 7, 14 ноябр кўнлари соат 15.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун буюртномаларни қабул қилишнинг охириги мўддати: 2013 йил 31 октябрдаги савдо учун — 30 октябр, 2013 йил 7 ноябрдаги савдо учун — 6 ноябр, 2013 йил 14 ноябрдаги савдо учун — 13 ноябр соат 18.00.

Талабгорлар «Давлат активи» бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини буюртномалар қабул қилинадиган охириги кунгача АТИБ «Ипотека-банк» Навоий вилояти филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

Савдо натижаларига кўра голиб чиққан иштирокчи 20 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Тўланган закалат «Давлат активи» сотилиш баҳосининг 15 фоизидан камни ташкил этса, савдо голиби давлат активининг олди-сотди шартномасини тузилгунча қадар сотувчи ёки савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлаши шарт.

Буюртномалар қабул қилинадиган ва таъминловчилик манзил: Гулистон шаҳри, Навоий шаҳри, П. Очиллов кўчаси, 24-уй.
Тел./факс: (8-436) 224-15-61.
www.1kms.uz rieltsavdo@inbox.uz

Лицензия: RR-0001.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ
Сирдарё вилояти филиали
бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этилади.

Аукцион савдосига Сайхунбод тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти ҳўжалик судининг 2012 йил 28 августдаги 12-1212/12667-сонли, 2012 йил 4 октябрдаги 12-1212/12667-сонли, 2013 йил 11 мартдаги 12-1306/1669 (30)-сонли ва 2013 йил 15 апрелдаги 12-1306/2060-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Сирдарё шаҳри, Темир йўл қўчаси ҳудудида жойлашган, майдони 874,61 кв.м. бўлган гуруч заводи бино-иншоотларининг 0032-литердаги гуруч заводи биноси ва 0033-литердаги макарон цехи бинолари қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 1 372 358 537 сўм.

Лицензия: RR-0001.

«Ulkan bunyodkor» MЧЖ
барча қулайликларга эга замонавий кўчма уйлари сотади ва буюртмалар қабул қилади.

Тўловлар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Бойкент кўчаси, 32-уй.
 Телефонлар: (+99890) 326-52-52, (8-371) 262-76-92.

Лицензия: RR-0001.

«Шарқ тароналари»нинг нуфузи жаҳон миқёсида тобора ортмоқда



“Шарқ марвариди” — кўҳна ва ҳамisha навқирон Самарқандда бўлиб ўтган “Шарқ тароналари” IX халқаро мусиқа фестивали тадбир қатнашчилари ҳамда меҳмонларида унутилмас таассуротлар қолдирди. Хорижий мамлакатлар вакилларига нисбатан кўрсатилган самимий меҳмондўстлик ва кўп сонли мухлисларнинг олқишидан улар беҳад мамнун бўлишганини яна бир бор кўз олдимизга келтирганимизда, қалбларимиз завқу шавққа тўлади.



“АҚШ, Миср, Марокко, Индонезия, Корея Республикаси, Афғонистон ва ўзбекистонлик ҳакамлар билан биргаликда дунёнинг 50 дан ортқ мамлакатидан келган миллий маданий гуруҳлар иштирокини баҳолаш шарафига муяссар бўлдим, — дейди “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали ҳакамлар ҳайъати раиси, Шанхай ижтимоий фанлар академиясининг Адабиёт ва санъат илмий тадқиқот институти директори Чэн Шенлай мазкур тадбирдан ортиртган таассуротларини ўртоқлашар экан. — Ушбу анжуманининг ўзига хослиги шундаки, у жаҳоннинг энг гўзал ва кўҳна шаҳарларидан бири, Буюк Ипак йўли равақ топган даврнинг гувоҳи, оламга дони кетган саркарда, олим ва мутафаккирлар яшаб ўтган замонларнинг бетакор меъморий мажмуаларини сақлаб қолган Самарқандда

бўлиб ўтди. Кўп асрлар ортада қолганига қарамай, шаҳар ҳали-хамон ўз тароватини сақлаб тургани баробарида, янада гўзаллашмоқда, унинг бағрида жўшқин ва мазмунли ҳаёт кечаётди. Тадбирда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган ижодий жамоалар турли-туман дастурларини намойиш қилди. Улар куй-қўшиқ ихлосмандларида ёрқин ва унутилмас хотирлар қолдирган энг сара санъат асарларини тақдим этдилар. Мусиқий анжуманининг очилиш маросимида Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг жўшқин ва сермазмун табрик сўзини тинглашга муяссар бўлдим. Давлатингиз раҳбарининг “Шарқ тароналари”нинг мақсад ҳамда гоёлари мусиқа санъатини улғайтмоқда, эзгу орзуларини мусиқа орқали тирадилар ва шу асосда дунёдаги турли миллат ва элат-

лар вакилларини ҳеч қандай таржимонсиз бир-бирига боғлаш, дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга қаратилгани, айниқса, эътиборлидир, дея билдирган фикрларини тўла кўллаб-қувватлайман. “Самарқанднинг қадим маданияти, кўп асрлик ўтмиши ва диққатга сазовор масканлари мени доимо ўзига мафтун қилиб келган, — дейди “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали ҳакамлар ҳайъатининг аъзоси, Жанубий Корея Халқаро фольклор санъати ташкилотининг бош қотиби Мун Хюнг Сук. — Ўзбекистон халқи ниҳоятда меҳнаткаш, самимий ва камтарки, бу корей халқининг маданияти ва аъёналари билан муштарақдир. Халқларимиз маданиятида, айниқса, аъёнаний ва миллий мусиқа асбобларимизда жуда кўп ўхшаш жиҳатлар мавжуд. Фахр билан шуни алоҳида

қайд этишим жоизки, мен еттинчи мартаба “Шарқ тароналари”да ҳакамлар ҳайъати аъзоси сифатида қатнашдим. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг халқаро анжуманининг очилишига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи ёдимдан сира чиқмайди, деб ўйлайман, чунки мамлакат раҳбари “олижаноб мақсадларни ўз зиммасига олган, турли-турли минтақа ва мамлакатлардан келган сиз, ҳурматли маданият вакилларини азиз меҳмонларимиз сифатида қабул қилариз, сизга берилган истеъдод ва талант олдида таъзим қилариз”, дея ўзбек халқининг ҳақиқий меҳмондўстлигини яққол намойиш этди. Қисқача айтганда, “Шарқ тароналари” тўққизинчи фестивали бу сафар ҳам энг юксак даражада уюштирилдики, бу унинг барча қатнашчилари томонидан эътироф этилди”.

«Жаҳон» АА.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Жийданинг ёввойи ва маданийлаштирилган кўплаб турлари бўлиб, Шарқ жийдаси, кумушсимон жийда, нон жийда, ширин жийда шулар жумласидандир. У ер танламайди, дарё бўйларида, тоғли ҳудудларда, шўрқоқ тупроқли ерларда ҳам ўсаверади.

Кайфиятни кўтарувчи дарахт

Жийда, асосан, меваси ва ёғочи учун парвариланади, кўнчилик ва халқ табибатида алоҳида қадрланади. Негаки, дарахт пўстлоғи ва барглари тери ошлашда фойдаланилса, меваси, гули ҳамда япроғи турли хасталикларнинг давоси ҳисобланади.



Дарҳақиқат, халқ табибатида жийда мевасининг дамламаси болалардаги ичкетар, нафас йўллари, меъда-ичак касалликларида тавсия этилади. Унда буриштириш, қувват бағишлаш, кайфиятни кўтариш хусусияти бор. Шу боис нафақат жийда истеъмол қилган, балки дарахтдаги шода-шода меваларини томоша қилган кишиларнинг ҳам кўнгли равшан тортиб, хурсандчилик аломатлари намойиш бўлади. Бош оғриғига ҳам жийда меваси шифодир. Шунингдек, у ошқозон (меъда)га қувват беради. Организмда иммунитетни

ошириб, танани рўзубатлардан тозалайди. Ичакларнинг ички деворидида пайдо бўлган яллиғланганда яхши самара беради ва пешоб томчилашининг олдини олади.

Жийда гули ҳам шифобахш хусусиятга эга. Уни ҳидлаш киши вужудида тетиклик ва гайрат уйғотиб, мия ҳамда юракка қувват беради. Меъда ва жигарнинг фаолиятини яхшилаб, тикимларни очади. Сарик касалида, хароратдан қалтираш ва тортишишда айни муддаодир. Жийда барги эса яра ва жароҳатларга қўйиб боғланса, йирингни тозалаб, битишини тезлаштиради. У радикулит, бод (ревматизм), подгра каби хасталиклардан озорланаётган жойга қўйилса ҳам эм бўлади.

Бўй ўсишига ёрдам берадиган энг яхши омил бу жийда мевасидир. Бунинг учун 500 грамм мева 4 литр қайноқ сувда 20 дақиқа қайнатилди. Сўнг 3 ош қошиқдан 3 маҳал, 2 ой мобайнида ичилади.

“Асаннинг ози ширин” деганларидек, жийда мевасини истеъмол қилишнинг меъёри бор. Уни бир марталик ейиш микдори 50 наонадан ошмаслиги даркор.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос.

Музейда осориатиқалар намойиши

Самарқанд тарихи музейида Ўзбекистон ва Франция археологлари ҳамкорлиги самараларига бағишланган кўргазма иш бошлади.

КЎРГАЗМА

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари кўмағида Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонаси, ЎзР ФА Археология институти ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазмада қазима ишла-

рида топилган ноёб буюмлар намойиш қилинмоқда. Таъкидлаш жоизки, бундан бир неча йил муқаддам Археология институти қошида Ўзбекистон — Франция халқаро экспедицияси ташкил этилиб, Самарқанд шаҳридаги

Афросиёб тепалигида қазима ишлари бошланган эди. Қўша экспедиция томонидан Афросиёбда амалга оширилган излашлар натижасида Самарқанд шаҳрининг ёшини белгилашга ёрдам берувчи қатлам аниқланиб, у ердан топилган ашёларга таянилиб шаҳарнинг 2750 йилдан зиёд тарихга эга экани исботланди. Ана шу илмий манбага асосланган ҳолда 2007 йилда

Самарқанднинг 2750 йиллиги ЮНЕСКО шафелигида кенг нишонланди. Кўргазма экспозициясида Пайриқ туманидаги Кўктепа шаҳарчасида олиб борилаётган тадқиқотларда қўша киритилган эраимизнинг бошларига оид ашёлар, Афросиёбдан топилган XI асрга оид деворий суратлар намуналари ҳам ўрин олган.

Мамадир ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Эълон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА «OLTIN YO'L GTL» ТОМОНИДАН ТАКЛИФ ЭТИЛГАН ГАЗДАН СУЮҚ ЁНИЛҒИ ОЛИШ ЛОЙИҲАСИ УЧУН «АТРОФ-МУҲИТ, ХАВФСИЗЛИК, САЛОМАТЛИК ВА ИЖТИМОЙ ШАРОИТГА ТАЪСИРНИ БАҲОЛАШ» БЎЙИЧА ЖАМОАТЧИЛИК ТИНГЛОВЛАРИ

«Uzbekistan GTL» МЧЖ (UzGTL) — «Sasol Synfuels International Netherlands Cooperatief UA», «Petronas International Corporation Ltd.» ва «Ўзбекнефтегаз» МХК компанияларининг қўша корхонасида. 2012 йилдан буён компания «OLTIN YO'L GTL» бренди ва савдо белгиси остида фаолият оритиб келмоқда. Лойиҳанинг мақсади — Шўртан газ-кимё мажмуасининг тозаланган метани негизда синтетик суюқ ёнилғи ишлаб чиқариш.

«OLTIN YO'L GTL» лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси, Қашқадарё вилояти, Ғузур ва Нишон туманлари ҳудудида амалга оширилади. У Қарши шаҳридан 70 км. жануби-ғарбда, Шўртан газ-кимё мажмуаси билан ёнма-ён жойлашган.

Лойиҳани чет эл банклари томонидан молиялаштиришни ташкиллаштириш доирасида UzGTL «Атроф-муҳит, хавфсизлик, саломатлик ва ижтимоий шароитга таъсирни баҳолаш» (ESHSA) тадқиқотини амалга оширмоқда. ESHSA ни маълумот консалтинг, дизайн ва курилиш хизматларини кўрсатувчи халқаро «Golder Associates» компанияси бажармоқда.

Халқаро стандартларга асосан, ESHSA нинг нотехникавий умумлаштирилган маълумоти жамоатчиликка тақдим этилади. Нотехникавий умумлаштирилган маълумотни олиш учун www.oltinyolgtl.com сайтига киришингиз, INFO@oltinyolgtl.com электрон почтасига сўров юборишингиз ёки (+998 71) 113-40-80 телефони орқали мурожаат қилишингиз мумкин. Шунингдек, ҳужжатларнинг нусхаларини қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Миробод кўчаси, 41/4.

Жамоатчиликка маълум қилиш доирасида, «Golder Associates» компанияси манфаатдор томонларнинг фикр-мулоҳазалари ва саволларини тўплаш мақсадида бир қатор жамоатчилик тингловларини ташкил этади. Жамоатчилик тингловлари Тошкент, Қарши, Ғузур шаҳарларида ҳамда Нишон туманининг Нуристон шаҳарчасида қуйидаги саналарда ўтказилади:

- ❖ **Қарши:** 2013 йил 23 сентябрь куни соат 14.00 да
 - «Гиссарнефтегаз» мажлислар зали, Қарши шаҳри, Б. Шеркулов кўчаси, 8-уй.
- ❖ **Ғузур:** 2013 йил 24 сентябрь куни соат 10.00 да
 - «Шўртан» футбол клуби спорт саройи, Ғузур шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй.
- ❖ **Нишон:** 2013 йил 25 сентябрь куни соат 10.00 да
 - Нуристон шаҳарчаси, Маданият уйи, Г-56 кўчаси, 1-уй.
- ❖ **Тошкент:** 2013 йил 27 сентябрь куни соат 10.00 да
 - «Dedeman» меҳмонхонаси, Тошкент шаҳри, Амир Темуր шоҳкўчаси, 7/8.

Ғузур ва Нишон туманларининг лойиҳа яқинида жойлашган қишлоқларида яшовчи аҳоли транспорт билан таъминланади. Автобусларнинг жўнаш жойлари ва вақтлари ҳақида маълумот олиш учун «OLTIN YO'L GTL»га INFO@oltinyolgtl.com электрон манзили орқали сўров юборишингиз ёки (+998 71) 113-40-80 телефонига кўнгирок қилишингиз мумкин.

ФИКР ВА МУЛОҲАЗАЛАРИНГИЗНИ КЎТАМИЗ

ESHSA юзасидан фикр ва мулоҳазаларингизни қолдириш учун сизни жамоатчилик тингловларига таклиф этамиз. Шунингдек, сиз қуйида кўрсатилган манзилга ҳам маълумотларингизни юборишингиз мумкин.

Агар сиз тингловларга кела олмаганингиз, аммо лойиҳа ҳақида маълумот олиб туришни истасанингиз, қуйидаги манзил орқали биз билан алоқа боғлашингиз мумкин:

«OLTIN YO'L GTL», Қўбижон Бабаев, жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассис, 100015, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Миробод кўчаси, 41/4. Телефон: (+998 71) 113-40-80. E-mail: INFO@oltinyolgtl.com

Кум остидаги гавҳар

Наршахий “Бухоро тарихи” асарида Варахша деб аталган маскан хусусида маълумот берар экан, уни Бухоро шаҳридан қадимийроқ, деб таъкидлайди. Хўш, буюк аجدодимиз таъриф берган Варахша қаерда жойлашган? Бу саволга жавоб топиш учун бир неча юз йил керак бўлди.

БАТАН МАНЗАРАЛАРИ

Археологик қазималар шуни кўрсатдики, бу қадимий манзилгоҳ Бухородан 40 километр шимоли-ғарбда жойлашган. Унинг ҳудуди ва ён-атрофи 12 та руд, яъни канал орқали сугорилган. Натижада воҳода деҳқончилик ривожланган. Варахша йирик қалъалар-

эгалари бўлганидан далолат беради. Наршахийнинг ёзиб қолдиришича, Варахшада ҳар ўн беш кунда бир кунлик, йил охирида 20 кунлик бозор сайли ўтказилган. Уша пайтлардаёқ отабобларимиз сополдан сув қувурлари тайёрлаган. Варахшадан бундан



дан бирига айланиб, унда тангалар ҳам зарб этилган. Бухоро ва Хоразм оралиғидаги карвон йўли шу ҳудуд орқали ўтган. Афсуски, XII асрда Зарафшон дарёси ўзани ўзгариши билан гавҳардек ял-ял товланиб турган Варахша кум остида қолиб кетган. Наршахийдан кейин яшаб ўтган ўрта аср тарихчилари асарларида бу шаҳар ҳақида маълумот учрамаслиги сабаби шунда.

— Шаҳарнинг умумий майдони 13 гектарни ташкил этган, — дейди “Варахша” музейи катта илмий ходими Гулнора Қодирова. — Маълум бўлишича, эраимиздан аввалги II-I асрларда ҳамда эраимизнинг I-II асрларида Варахша ва унинг атрофларида маданий ҳаёт гуллаб-яшнаган. Кейин эса таназзулга юз тутган. Аммо V асрда қайтадан тикланган. Шу даврда мустаҳкам девор билан ўралган. Шаҳарнинг жанубий қисмида арк қурилган. Мазкур арк ўша давр меъморчилигининг нодир намунаси сифатида аждодларимизнинг юксак ақл-заковат

ташқари, кўзалар, қорачи-роқлар, лаганлар, аёллар тақинчоқлари, ўқ-ёйларнинг учлари топилган. Варахша саройи девори қолдиқларида турли манзаралар, чунончи, фил минган шахзода, қолонлар билан олишув, қайрилиб камондан ўқ узаётган чавандоз, тўқай ичидида ён манзараси каби кўплаб тасвирларни кўриш мумкин. Бу ерда ганҷкор нақшлар билан безатилган хона ҳам бор. Варахша қасрининг Кўх хонасида эса деворда катта тахтадаги баҳайбат ҳўкиз, уруш қилиши ва қурбонлик ҳудуди саҳнаси тасвирланган. Саройдаги ибодатхонада муқаддас олов сақланган.

Дарвоқе, бизгача етиб келган ва айни пайтда Бухоро давлат бадий-меъморчилик музей-қўриқхонаси экспозициясида намойишга қўйилган деворий суратда VII асрдаги Бухоро ҳўкмдори тасвирланган. У тиз чўкиб ўт ёқапти, кийими зирҳдан, ёнида рафиқаси. Умуман, бу ердан топилган халқ амалий санъати намуналари халқимиз маданияти тарихининг ёрқин ифодасидир.

Айни пайтда Бухородаги Иброҳим Охун мадрасасида “Варахша” музейи фаолият кўрсатмоқда. Унда сақланаётган ҳар бир нодир экспонат Варахшанинг қадимий тарихидан гувоҳлик беради.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Замонавий стадион

Шаҳрихон туманидаги марказий стадион бугунги кун талабига жавоб бермай қолганди. Томошабинлар учун мўлжалланган ўриндиқлар анча эскирган, соябонлар эса деярли йўқ эди.

ТУҲФА

Футболга ихтисослаштирилган 33-мактаб-интернат тасаруфидида мазкур стадион Бўз туманидаги “Зиё-2002 МХ” фирмаси томонидан қайта таъмирланган, кўркам қиёфа касб этди. Бу ерда 1 миллиард 131,5 миллион сўм эвазига бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Санузел тизимлари янгиланди. Ёгингарчилик пайтида яшил майдонда сув тўпланиб қолмаслиги учун дренаж қувурлари ётқизилди. 8,5 минг томошабинга мўлжалланган трибуна ўзига хос кўринишга эга бўлди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 79 193 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб бериб бериб берилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.55 Топширилди — 22.45 1 2 3 4 5

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.